

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

БУХОРО УОШИ

2024-YIL,
MAY, № 9
(519)

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-badiiy gazeta



ТИНЧЛИК ҲУКМ СУРГАН ЮРТДА ШУКРОНАЛИК НАФАСИ



Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси ташаббуси билан шаҳар ҳамда туманларнинг фаол ёшлари иштирокида “Инсон қадри улуғ - хотира муқаддас” шиори остида “Мардлик ва жасрат - ҳамisha барҳаёт” ғояси асосида бетакрор тадбирлар ўтказилди.

Халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатлари жо бўлган “Хотира ва қадрлаш” куни муносабати билан эл-юртнинг тинчилиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар билан дийдорлашувлар бўлди. Мардлик ва жасрат намунасини кўрсатганларга,

жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш ҳар бир кишининг бурчидир!

Тенгдошларига ибрат полвон

АҚШнинг Колумбус шаҳрида спортнинг самбо тури бўйича “Arnold sports festival” Халқаро очик турнири ўтказилди ва унда 28 та давлатдан 300 га яқин маҳоратли спортчилар куч синашди. Жасурбек Норкулов 88 кг вазн тоифасида барча рақибларини ер тишлатиб, олтин медални кўлга киритди.

Жасурбек Бухоро шаҳрида, новвой оиласида туғилган. Отаси Нодир Худдиев ўғлининг қалбида ҳам спортга муҳаббат уйғотган. 13 ёшдан Жасурбек тажрибаги мураббийлар Улугбек Раҳмонов, Шуҳрат Хўжаевдан сабоқ олган.

Полвон дастлаб, шаҳардаги 12-сонли спорт мактабиде ўқиган бўлса, ундан сўнг спорт коллежда тахсил олган. У 2 марта Ўзбекистон чемпиони, 3 марта совриндор бўлган. 2014-2015 йиллар ёшлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида қатнашган ва Жаҳон чемпионатида ҳам юксак натижага эришган.

2017 йилда Кипрда ўтказилган Жаҳон чемпионатида 3-ўринга, Парижда эса 2-ўринга эга бўлган. Россиядаги Халқаро мусобақа-

ларда ҳам қатнашиб, муваффақият қозонган.

АҚШдаги муваффақиятли юришлари ҳаммасидан ошиб тушди. Полвонимиз қаторасига беш йил ўз вазн тоифасида биринчиликини ҳеч кимга бермади. Бу орада самбодан ташқари, комбат жиу-житцудан ҳам Испанияда ўтказилган Халқаро мусобақада иккинчи, кейинчалик Қозоғистондаги баҳсларда биринчи ўринни эгаллади.

Бир сўз билан айтганда, Жасурбек Норкулов спортнинг самбо тури бўйича дастлаб 68, кейинчалик 74 кг вазнда Халқаро натижаларни қайд қилган бўлса, айни пайтда у 88 кг вазн тоифасида жаҳондаги энг зўр спортчилардан бири саналади.

Дилнавоз Тўхтаева

КОНЦЛАГЕРДАГИ БУХОРОЛИК АЁЛЛАР, ғалаба кунида яраланган жангчи

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро ўзининг 55 449 нафар асл фарзандини фронтга жўнатган. Шундан 176 нафари хотин-қизлар бўлган. Уларнинг 28 146 нафаригина ўз юрти омон қайтган.

Оловли жанг майдонларида 27 303 бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қурбонига айланган. Вафот этганларнинг 13 669 нафари фронтда қахрамонларча ҳалок бўлган бўлса, 13 634 нафари бедарак йўқолган. Оғир йилларда 11 193 нафар кексаю-ёш бухороликлар фронт ортидаги машаққатли, уруш даври учун ўта муҳим бўлган ишларга жалб қилинишган.

Ҳозирда Бухоро вилоятида 7 нафар иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонишга муносиб улуш кўшган нуронийлар умргузаронлик қилиб келмоқда.

Бухоро шаҳридаги “Ширбудин” кўчасида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари Райде Ресутова ҳамда Катизе Менсеитовалар 1941-1945 йилларда Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳар корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ишлашган.

“Мен, аслида, Крим Республикаси Ичкин туманидаги Беруна Бесут қишлоғида 1930 йилда



туғилганман. Уруздан сўнг Бухорога келганман. Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерида Бранцевой темир бетон заводида ишлаганман. Жуда оғир йиллар эди. У кунларни ёллаш, хотирлаш ва ёшларга сўзлаб бериш биз учун фарз. Лекин сўзлаш ҳам қийин, жуда қийин. Тасавурларингизга сиймайди, ҳатто. Тинчлик бўлсин дунёда, уруш бўлмасин!”-сўзлади Райде Ресутова.

Катизе Менсеитова ҳам Кримда дунёга келган. Германиянинг Ганновер шаҳридаги “Тетто” фашистлар концлагерида онаси билан бўлган.

“Фашистлар концлагерида шафқат отлигдан нишон ҳам йўқ эди. Жисмоний, руҳий азоб беришлари ҳақида сўзлашни

истамайман. Худди кечагидек эсимда: бир бурда қотган нонни тиканли симтўр ортида жон талашиб ётган 30-40 асирга қараб отишарди. Ҳозир бир бурда нон учун бир-бирини ўлдирдишди”,- дейишарди истеҳзоли кулги билан. Йўқ. Улар ўйлагандек бўлмасди. Бир бурда қотган нонни илиб олган асир уни тўйиб-тўйиб хидлаб, ҳаммага тенг улашарди. Ушоқдек-ушоқдек қотган нон ҳам жонимизга оро эди... Бугунги кунда эса сал суви қочган ёхуд озгина кўқарган нонларни ахлатхоналарга ташлаб кетаётган одамларни кўриб, оғринаман. Инсофга чақирман... Биз кўрган оғир кунларни ҳеч ким кўрмасин”»,-дейди Катизе Менсеитова.

(давоми 3-бетда)



Инсон яратган энг буюк кашфиёт, шубҳасиз, китобдир. Китоб ўқийдиган одам билан китоб ўқимайдиган ёки шунчаки илмий китоблар мутолаа қиладиган одам ўртасида анча катта фарқ бор. Бадий китоб ва асарлар ўқийдиганларнинг дунёқараши кенгрок бўлади, қаерда ўзини қандай тутишни билади, эркин фикрлай олади, вазиятдан чиқиб кета олади ва энг муҳими дунёни, ҳаётни англайди.

Зулматга қалқон – китоб

Асардаги ҳар бир образда ўзини ҳис қилади. Яъни, бир воқеага бир неча одам кўзи билан қарайди. Бу эса, ўз навбатида, уни қийин вазиятлардан чиқиб кета олишга ўргатади. Ўрни келганда, қахрамонларнинг “китобда қилган хатоларини” ўз ҳаётида такрорламасликни ўрганадилар. Хатолардан, нуқсонлардан тийилмадилар.

Бундан ташқари, кўп китоб мутолаа қиладиганларни ҳеч кузатганмисиз, улар нутқида жаргонлар бўлмайди, фавқуллода вазиятларда ҳам тилидан ножоиз сўзлар чиқиб кетмайди, ҳар бир вазиятга босиқлик билан муносабат билдиришади. Демак, китобнинг ҳар қандай зулматга –

қалқонлигини англаш мумкин.


Бугунги кунда, ёшлар ўртасида китобхонликни ошириш борасида бажарилаётган ишлар талай. Айниқса, китобхонлик танловларининг сон ва сифат жиҳатдан ошириб бораётгани қувонарли. Бу эса, албатта, ёшлар орасида китоб ўқишга бўлган талабни оширмақда.

Бироқ, шунга қарамай, китоб ўқимайдиган ёшлар сони ҳам етарли. Аксарият ота-оналар фарзандининг туғилган кунда ёхуд бирор байрамларда китоб эмас, анча қиммат нарсалар: телефон, соатлар, тақинчоқлар-у кийимлар совға қилишади. Аслида, энг қиммат совға китоб эканини билишмайди. Бу билан

улар болани дабдаба-ю ҳашаматга ўргатишади. Шунинг учун бевосита ота-оналарнинг ўзи болаларни китобдан узоқлаштишига шароит яратиб берувчи энг олди турткилардан саналади.

Яна бир ачинарли жиҳат шуки, ёшлар китоб ўқишдан кўра, ижтимоий тармоқларга сингиб кетишган. “Лайк”ларга иштиёқманд ёшлар сони кундан-кунга ошириб бормоқда. Бу вазият ҳозирча қайсидир оилалар учун бутун хавотирсиз, хавфсиз туюлар. Аммо, бунинг хавфли таъсири орадан бир неча йил ўтгач, ўз оқибатини намоён этиши, шубҳасиз. Ялтироқ ва қулай кўринган ҳар қандай унсур ҳар доим ҳам зиён келтирган. Мана шундай зиёдли, зарарли оқибатлардан узоқлашайлик, китобга яқинлашайлик!

**Дилнур Тўраева,
Пешкў туманидаги
33-умумий ўрта таълим
мактаби ўқувчиси.**



Болалигимни жуда соғинаман. Бунинг алоҳида сабаби бор. Чунки унда қадрдон опаларим билан Ромитан туманидаги Айрончи қишлоғида, бир том остида эдик. Ушанда ҳеч биримизда қачондир дийдор кўришиши учун вақт ва вазият тўғри келишини кутишимизни ўйламаган эканмиз. Ягона тўғри келишини кутишимизни ўйламаган эканмиз. Ягона ташвишимиз - бизга юкланган ўй ишларини қилишу, ёқтирган сериалимизни кўриши ва ётиб ухлаш бўлган.

ОПАЛАРИМГА МАКТУБ

Менга қолса, айтиб-айтмасдан кўшни дугонаминикига қочиб қолардим... Опаларим қаердалигимни сўроқлашса, бетгачопарлик қилардим. Ҳозир эса ушанда бетгачопарлигим учун опамдан еган тарсакиларимни ҳам соғинаман. Елкамининг бир чангини қоққандай, ҳар ўтириб-турганда, камчилигимни тузатиб кўйишлари лаззатини қўймайман.

Ҳар ёз ҳовлимиз орқасидаги ўрикзорга чиқиб, челақлару тоғораларни тўдириб, зардолу терардик. Данагини мағзидан ажрата туриб, завқли хангомаю сўхбатлар курардик...

Кўзимизни уйқудан зўр-базўр оча олардик. Тонг саҳарлаб, қўй-кўзиларга ўт тергани кетардик. Араваларда одам бўйидан баланд қилиб беда босганларимизни яхши эслайман. Куёш

қиздиргандан-да қиздирарди. Шунга қарамай, опаларим билан ўтган ҳар бир кунда барака ва қувонч бор экан. Афсуски, ўша лаҳзаларнинг қадрига энди етмапман. Ўзимни ёлғиз ҳис қилмаган дамларни, оёқларим зирқираб оғриганда, онамдайин парвона бўлган опаларимни тез-тез кўргим келади.

Опаларим, бутун сизни ҳар доимгидан ҳам кўпроқ соғиндим, қачон келасиз, нечта ухлаб турай, дёймапман. Ийманаяпман, опаларим!...

Гап талашиб қолсақ, ҳали ўқиш кирсақ, соғиниб юрасан, деб киноя қилардингиз. Эҳ-ҳ, гапингиз рост экан. Мана энди сизларга соғинч мактубимни йиғлаб ёзаяпман...

Уйимизда муҳим кун бўлса, бир ҳафта олдиндан юрагимиз така-пука бўлиб, режалар тузар-

дик. Дадажоним хурсанд бўлиб, шеър ўқишни бошлаганларида биздан бахтли одам бўлмас эди. Ишонасизми, ўша дамда 2 яшар қизалок дадасидан олган янги кўнирчоғига ҳам биздек қувонмаган бўларди, чамамда...

Мана, бутун учаламиз ҳам уч ерда. Онда-сонда бир ерда йиғиламиз. Ҳар биримиз оила ташвиши-ю, ўқиш билан бандмиз.

Аммо, негадир кўришганда сени соғиндим, деб очик айтмаймиз. Бир бора бағримизга босиб, ифорини туяр эканмиз, юракнинг бир тубидан хайрият, борингга шукур, деган ўй айланади.

Опаларим, ишонинг ҳали ёзиш учун гапларим кўп.

Аммо, қолган гапни дийдорлашганда айтаман. Меҳр-муҳаббат ила синглингиз Маҳлиё Бахшуллаева.

Ота меҳрининг чегараси йўқ бўлган, сизни миннатсиз сеувчи ягона эркак. Отанинг муҳаббати онанинг муҳаббатидан у қадар фарқ қилмайди. Отанинг муҳаббатида сўзлар кам, аммо, меҳр чексиз.

“Эй, қизим”: мен отамдан фахрланаман!



Яқинда Шайх Али Тантовийнинг “Эй, қизим” асарини ўқиб якунладим. Бу китобни менга буювчи совға қилган эдилар. Асарни ўқиб, йиғладим, кулдим, гурурландим ва ҳатто, ўзимдан нафратландим ҳам...

Ота қизи учун қўлидан келган ишни қилади. Китобда шундай дейилган: “отангизга икки дона юлдуз келтиришларини сўранг, аммо улар бутун коинотни кўтариб келадилар”. Ҳа, оталар шундай тенгсиз, энг муҳими бебаҳо.

Интернет саҳифаларида ёзилган ғалати бир воқеага кўзим тушди: Ота қизига “Мени фаррош бўлиб ишлашимни ҳеч кимга айтма, кимдир сени хафа қилишидан қўрқаман”, деганда қизи отаси ишлаб турган сурьатни интернетга жойлади ва “Мен отам билан фахрланаман!” - дея ёзиб қўйди. Бу воқеа, деярли, барча қизларнинг оталарига бўлган муҳаббатларидан дарақдир.

Бир имом: “Ўттиз йилдан буён масжидга ота-онасидан шикоят қилиб келган бирорта аёл кишини кўрмадим. Масжидга ота-онасидан шикоят қилиб келганларнинг барчаси эркаклардир”, - деган экан. Бундан шарқ

қизларининг отаси ва онасига бўлган чексиз ҳурмати ва меҳрини, ибосини яққол ҳис этишимиз мумкин. Шуларни ёза туриб, қиз фарзанд кўрса, хафа бўладиганларни ўйлаб қолдим. Ахир, ўғил фарзанд меҳри қиз меҳричалик бўлмайди.

“Эй, қизим” асари оталарни ҳурмат қилиш ва муносиб қиз фарзанд бўлиб яшашга ўргатади. Сиз илғамаган, аммо, қўлингиздан келадиган яхшиликларни қилишга ундайди. Имкони бўлса, китобни мутолаа қилинг ва ундаги сеҳрли сўзлардан сиз ҳам баҳраманд бўлинг.

**Шаҳрибону
Ботиржон қизи,
Когон тумани.**



Эҳтиёт бўлинг, “Телефономания”

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, дунё болаларининг 56% смарт телефонлардан фойдаланишади. Уларнинг ярмидан кўп қисми эса телефондан ўйин ўйнаш ва вақт ўтказиш учун ишлатишар экан. Фарзандларининг телефондан узоқ вақт фойдаланишларига ота-оналари қаршилиқ билдиришмас, уларга бошқа ҳеч ким тўсқинлик қилмайди.

Йиллар давомида телефонпарастлик болалар орасида авж олди ва тиббиётда “телефономания” деб номланди. “Телефономания”га учраганлар кўпчилиги кўз нури хиралашишидан шикоят қилишади. Қолаверса, бу ёш болаларнинг мия ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Суякларнинг нотўғри ўсишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай телефонда аудио китоблар эшитиш, бадий асарлар ўқиш ва турли тилларни ўрганиш имконияти мавжуд. Телефоннинг ижобий ва томонларидан фойдаланишни ўрганайлик!

**Жавоҳир Эгамбердиев,
Бухоро шаҳридаги
19-ИДУМ ўқувчиси.**

КОНЦЛАГЕРДАГИ БУХОРОЛИК АЁЛЛАР, Ғалаба кунинда Яраланган жангчи



(Давоми, боши 1-бетда)



“Ёш ботир” нинг ботир отахони

Олот тумани, “Ёш ботир” маҳалласида истикомат қилиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳожимурод ота Бектошев бу йил 98 баҳорни қарши олган. 1926 йилда туғилган отахон урушда ўқчи полкида хизмат қилган. Польша ва Латвияни озод этишда қатнашган. Ҳарбий хизматдан сўнг Олот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 7 нафар фарзанднинг отаси, 41 неvara, 30 чеваранинг сеvimли бобоси бутунги кунда яқинларининг ардоғида. У ҳарбий хизматни 98-захира ўқчи полкида ўқчи лавозимида бошлаган. У урушдан сўнг яна уч йил уруш талофатлари етган манзилларда қурилиш-тиклаш отрядларида хизмат қилган. 26 ёшида Бухорога қайтган. Мактабда 45 йил ўқитувчилик қилган.

Ҳожимурод отага соғлигини тиклаши учун доимий масъулар бириктирилди.



Оддий аскар Аҳмад Муҳсинов

“Оддий аскар Аҳмад Муҳсинов Президентимиз томонидан берилган пул мукофоти ҳамда совғаларини қабул қилади! Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!” - дея тантанали сўз ва мийиғида кулги билан мукофотни олар экан, хонадонига келган меҳмонларни ичкарига таклиф қилади Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Бухоро шаҳрилик уруш фахрийси, ички ишлар органлари фахрийси 101 ёшли Аҳмад Муҳсинов 1924 йилда туғилган. Мансабдор лавозимларда ишлаган. Спорт билан доимий шуғулланган. Ўз фаолиятига қатъият ва матонат билан ёндашган.

Кўксини орден-медаллар бебаб турган Аҳмад Муҳсинов навқирон 19 ёшида Бухоро шаҳридан ҳарбий хизматга, аниқроғи, фронтга йўл олган. Урушдан сўнг унинг қарийб, 20 йиллик фаолияти ички ишлар тизимида кечган.

“1947 йилгача қирғинбарот жангтоҳда, сўнг Европанинг турли давлатларида армия сафида бўлдим. Худога шуқур, жонажон Ватанимга соғ-омон қайтиш nasib этди. Урушдан кейинги йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)нинг тарих факультетида тахсил олдим. Бир муддат ўрта мактабда педагог сифатида ёшларга сабоқ бердим”, - дея сўзида давом этади, 101 ёшни қаршилаган отахон Аҳмад Муҳсинов.



Ғалаба кунини яраланган жангчи

Катта ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган Бухоро шаҳрилик Норбой ота Қаршиев 1926 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1944 йилнинг ноябрь ойида Бухоро шаҳри ГВК томонидан ҳарбий хизматга қақирилган. Ўқчи дивизиясида хизмат қилган Норбой ота Берлин, Германия остоналарида жанг қилиб, фашизм устидан қозонилган ғалаба кунинда ун қўлидан жароҳатланган.

“Ғалаба кудрати шу қадар жисму-руҳимизга куч бергандики, мен ўшанда, ҳатто, оғриқни ҳам сезмадим. Кўлларимдан тиззиллаб қон оқаяпти, биз фронтдошларимиз билан бағирлашиб, бақиршиб, бир-биримизни осмонларга кўтариб отамиз... Етказганига шуқур!” - дейди отахон.

Норбой ота Қаршиев “Жасорат” медали, Иккинчи даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирланган.



102 ёшли уруш фахрийси

Бухоро туманидаги Арабхона қишлоғида истикомат қилиб келаётган Файзулло бобо Ҳожиев ҳам табаррук ёшдаги отахонлардан. 20 ёшида урушга отланган. Аёвсиз жангларда уч бор яраланган. 1945 йилда она юртга қайтиб, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилган. Беш ўғил, беш кизнинг падари бузруквори Файзулло ота “Жасорат” медали билан тақдирланган.

Табаррук 102 ёшни қаршилаётган отахон дуга кўл очиб, юртга тинчлик, халққа фаровонлик ва бахт-саодат, соғлиқ-омонлик тилади.



Жангчи боғбон бобо

Пешкў туманидаги “Талисубун” МФИда яшовчи Назар ота Шеров урушга жўнаб кетган пайтида 18 ёшда бўлган. У 1945 йил апрель ойида қадар Украина фронтинда йиғитлик бурчини ўтаган. Ўн оёғидан яраланган. Бир муддат даволаниб, яна фронтга қайтган. Украина, Польша давлатларини озод этиш учун кечган оловли жангларда қатнашган.

Урушдан кейин узок йиллар қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилиб, хурмат-эътибор тошган Назар ота 10 нафар фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшган. Назар ота шу ёшда ҳам боғ яратиб, томорқаларни яшнатилганда ўзи бош-қош. Уни неvara-эваралари “жангчи боғбон бобомиз” дея суйиб, ардоқлашади.




Жасоратлар унутилмайди

Жаҳон Равшанов - 1922 йилда Вобкент тумани, Работобод қишлоғида туғилган. 1938-1940-йилларда Қизил Армия сафида Кавказда мерган бўлиб ҳарбий хизматни ўтаган. 1941-1945 йилларда урушда қатнашган. Узок Шарқда авиацияда радист-ўқотар бўлиб хизмат қилган.

Биз унинг неvarаси Феруза Жўраева билан суҳбатда бўлдик.

– Бобом жанглардаги жасоратлари ҳақида онамга бот-бот гашириб берганлар. Уруш даврларида “Жанговар хизматлари учун”,



“Япония устидан қозонилган ғалаба учун”, “Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалаба учун” каби қатор медаллар билан тақдирланган. Урушдан омон қайтган бобом бир неча йил туман “Селхозтехника” корхонасида партия ташкилоти котиби, 1961 йилдан бошлаб эса “Пахтакор” колхозида

партком вазифасида фаолият юритган. Кейинчалик туман партияси кўмитасида бўлим мудири, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ходимлари касаба уюшмаси туман кўмитаси раиси ва бошқа лавозимларда ишлаб, тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ота-оналар кўмитаси раиси вазифасини ҳам астойдил бажарган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Хурмат Белгиси” орденлари билан мукофотланган, дейди Феруза Жўраева. Жаҳон Равшанов 1978 йили 57 ёшларида вафот этган.

Дилнавоз Тўхтаева, “ВУО” мухбири.

Жангчи номи мангу яшайди

Иккинчи жаҳон урушида қатнашганлар орасида Жондор туманидаги Ҳазорман қишлоғида туғилган Нарзи Ражабов ҳам бор. У 1924 йилда туғилган. 19 ёшида Жондор туман (аввалги Свердлов) ҳарбий комиссарлиги томонидан ишчи-деҳқонлар Қизил Армияси сафига қақирилган.

Ёш йиғит хизматни СССР ИИХК ички кўшинларида боплаган. У ўқчи полки пулемётчиси бўлган. Донбасс операциясида қатнашган, Аул кўпригида жанг қилган. 31-ўқчи дивизияси, 2-Украина фронтинда у СИКП аъзолигига номзод бўлган ва пулемётчилик бўйича 6 нафар жангини тайёрлаган. Шундан сўнг гвардия полки кўмондони томонидан подполковник Акиевский буйруғи билан унга кичик сержант ҳарбий унвони берилган. “Олтин Юлдуз” медали, “Ленин”, “Қизил Юлдуз” ордени, “Жасорат учун” медали билан тақдирланган. 1944 йилда Молдованинг Корсун — Шевченковский туманидаги Тодирести қишлоғида бўлган жангга ҳалок бўлган.



Унинг жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун шу тумандаги мактаб ва қишлоққа унинг номи берилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган жангчи хотирасини абадийлаштириш мақсадида тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабига унинг номи берилган. Мен шу мактабда тахсил олаётганимдан фахрданаман.

Дурдона Рустамова, жангда ҳалок бўлган қаҳрамон номидаги мактаб ўқувчиси.

#Америкадаги_Ўзбек_тенгдошинг

Чидам ва йиллаб меҳнат натижасида ҳам соғлом бўласиз, ҳам ғолиблик нашидасини ҳис қиласиз. Бунда, албатта, спорт ва соғлом турмуш тарзининг ўрни бекиёс. Ҳа, спорт инсонга ана шундай бойликларни тухфа этади. Сабр ва ортга қайтмаслик талабияти билан ҳаммасига бирма-бир эришиш йўлини беради.



**Истеъдод ва интилиш
бирлашса, муваффақият
жой танламайди**

Бухоролик Асадбек Бозоров бугун кўп минг сонли Ўзбек тенгдошлари қатори Америка қўшма штатларида таҳсил олмақда. Спортга ҳам иштиёқи баланд. У ҳар нафасда спорт билан яшаб келмоқда. Ютуқ ва муваффақиятлари бисёр. Келинг, яхшии, бу ҳақда тенгдошимиз сўзларини ўзидан эшитайлик!

Асадбек билан суҳбатимиз болалик йилларини эслаш билан бошланди:

- Болалигим Бухорода, бобом ва бувим бағрида ўтган. Бобом сабабчи бўлиб, 10-12 ёшимгача спортнинг кураш тури билан шуғулланганман. Кейинчалик оиладаги етишмовчиликлар ва бошқа айрим муаммолар туфайли бошқа жойда истикомат қилишга мажбур бўлганмиз. Шу сабабли бир муддат спорт билан шуғуллана олмадим... Бу эса менга тинчлик бермас, эртаю-кеч спортга қайтиш иштиёқиди ярагим ёнарди-ю, бола кўнглим билан вазиятни англаб, оиламиз катталарига айта олмадим. Мана, шу спорт билан шуғуллана олмаганим икки йилда худдики, ич-ичимдан аллақачон катталардек улгайиб қолгандим. 14 ёшимда эса болалик изтиробларим ортга чекинди: мен яна спортга қайтдим. Яна ўзлимни топа бошладим. Таэквон-до ITF спорт йўналиши сирларини ўргана бошладим. Бутун вужудим билан яна спортга шўнғидим. Бутун эса спорт – менинг

ҳар кунлик асосий машғулотида айланган. Ҳаётимни бир лаҳзасини ҳам спортсиз тасаввур қила олмайдиколдим. Спорт билан бир бутун эканлигимни ҳис қилдим, - деди Асадбек Бозоров.

Бухоро шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабини тугатган Асадбек йиллар мобайнида спортдаги тинимсиз машғулоти, соатлаб уринишлари эвазига кўплаб ютуқларга эришди. Ҳар сўзида: "Мени ота-онам дуоси кўллайди!" - дейишдан чарчамайдиган Асадбек ҳақиқатан ҳам отаси Азамат ака Раҳимов, онаси Матлуба Аҳадова-ларнинг дуоси билан ғалаба чўққиларини забт эта бошлади.

У илк ютуқни 2015 йилда "Бухоро Кубоги" мусобақасида 3-ўрин эгаллаб, кўлга киритган. Худди

шу йили Тошкентда Ўзбекистон саралаш мусобақаси ҳамда "Қарши кубоги" да 1-ўринга, 2016 йилда Беларуссияда бўлиб ўтган Жаҳон кубогида 3-ўринга муносиб топилди. 2017 йилда Ўзбекистон спорт устаси номзодига муносиб кўрилгани энг катта ютуқларидан бири бўлди. Қолаверса, ўз йўналиши бўйича қора белбоғ соҳибига айлангани унинг спорт оламидаги зафарли муваффақияти саналади. Бу муваффақиятлар уни 2018 - 2022 йилларда қатор мусобақаларда ҳакамлик қилишигача етаклади.

Соғ танда-соғлом ақл, дейишади. Асадбек спортдан ташқари, хорижий тилларни ўрганишга қизиқиб, 2021 инглиз тили бўйича IELTS сертификатини 7 балл билан кўлга киритди.



- Ота-онам дуоси, устозларим таълим-тарбияси муваффақиятларимга пойдевор бўлди. Ҳар бир ғалабам, муваффақиятларимда улар дуосини ҳис қиламан, - дея сўзида давом этади Асадбек, - 2022 йилда Бухоро Давлат университетининг бакалавр босқичини таржимон ва гид соҳасида тугатиб, шу йилнинг ўзидаёқ Американинг Кентуский штатидаги нуфузли Муррай Стате университетига Халқаро бизнес йўналишига қабул қилиндим. Шукурки, Америкада ёлғиз эмас эдим. New York штатида мени қариндошларим қутиб олишди 2022 йилнинг декабрь ойидан илмларимни мустаҳкамлай бошладим. Кейинчалик эса ўқишимни Охио штатидаги бошқа университетга кўчирдим.. Шу билан илм ва спорт йўлида бўлган мусофирчиликдаги ҳаётим оstonасига катта бурилишлар билан киришни бошладим. Америкадаги илк ютуғимни катта ҳаяжон билан эсламан. Нешвилл шаҳрида Taekwon-do бўйича турнир ўтказилди. Мен ҳам турли давлат спортчилари саф торган иштирокчилар қаториданман. Юрагимда: "Мен ғалабага эришишим ва Ўзбекистон байроғини кўтаришим керак!" - деган қатъият гушларди. Шундай бўлди ҳам. Турнир ҳаками кўлларимни ғолибликка даст кўтарар экан, шу топда елкам узра ҳилпираган давлатимиз байроғини ўпдим. Беихтиёр кўзларим ёшланди. Ва ана шу муваффақиятдан бошлаб, менда илм ва спорт пил-

лапояларига кўтарилиш мақсади янада илгарилади. Тўғри, бугун ота-онам бағридан узокда, бухоролик дўстларим даврасидан йироқданман. Бирок, мен яқин ва яхшиларимни режаларим, ҳар бир орзу ва ғалабаларим бошида кўраман ва бу менга руҳий дада беради.

Асадбек Бухоро билан Америкадаги ўқиш тизимини солиштирар экан, орада жуда катта фарқ борлигини таъкидлайди. Суҳбатдошнинг айтишича, Америка илм даргоҳларида таълим олувчиларни ҳеч қачон махсус форма кийган ёки киймаганлигига қараб муомала қилинмайди. Ҳамённинг катта-кичиклиги эвазига баҳоланмайди. Ҳар кимнинг илм-салоҳияти ва дарсаги фаоллиги инобатга олинади.

Асадбек: "Бошқа юртда бўлишимга қарамай, ўзимни одамлар орасида бегона ҳис қилмаганман ва бошқа миллат вакили эканим одамлар билан мулоқотимга сира тўсиқ бўлмаган. Кўплаб дўстлар орттирдим, улар мендан маслаҳат ва ёрдамни асло аяшмаган", - дейди.

- Бу ерда рус, инглиз, тожик ва ўзбек тилларида бемалол суҳбатлашиш имкони бор. Чунки, Америкада илм истаб, зиё истаб келган кўплаб миллатдошлар, қардош халқлар, турли Европа давлатлари ёшлари бор. Ҳар нафас, ҳар қадамда улар билан мулоқотда, ҳамжиҳатликда бўласиз. Яқинда испаниялик спортчи тенгдошим билан танишиб қолдим. Нафақат, спортдаги қарашларимизга, балки, бир-биримизнинг тилимизга ҳам қизиқиб қолдик. Айни пайтда у ўзбек тилини, мен эса испан тилини ўрганаёпман. Биласизми, у мен билан ўзбек тилида, мен эса у билан испан тилида сўзлашяпмиз. Сўзлашувдаги хато ва нуқсонларимизни тугатиб бораёпмиз. Ҳар икки тилнинг ҳам бойлиги ва ҳар иккимизнинг ҳам бири-биримиз тилимизга ошфуталигимиз испан ва ўзбек халқининг қалбидан ҳам яқин эканини англаётгандек, назаримда, - дейди табассум билан Асадбек.

Ҳа, истеъдод ва интилиш бирлашса, муваффақият жой танламайди. Асадбек Америкада илм олиш баробарида спорт билан шуғулланишни ҳам тўхтатиб қўймади. Бунинг натижасида Америкада ўтказилган мусобақада биринчи ўринни кўлга киритди. Ўзининг самарали ҳаракатлари эвазига ҳаётини ютуқлари яқинларининг дуоси билан ёритиб бораётган Бухоро фарзанди хали яна кўп марраларни эгаллашига ишонамиз. Бу йўлда уни соғлик ва матонат тарк этмасин, деймиз.

Зулфизар Мавлонова,
"BYO" мухбири.

Радиоэлектрон воситалардан тегишли рухсатнома олмасдан фойдаланманг!

"Ўзкомназорат" инспекцияси Бухоро вилояти ҳудудий шуббаси, Бухоро вилояти Электромагнит мослашув хизмати ва Ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида радиоэлектрон воситалардан рухсатномасиз фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида радиомониторинг тадбирлари ўтказилди.

Унда Бухоро шаҳрида жойлашган савдо мажмуасида 6 дона "БАОФЕНГ БФ-888С" русумли ва 2 та ҳолатда овқатланиш кафесида 4 дона "БАОФЕНГ БФ-999С" русумли ноқонуний радиоэлектрон воситалардан белгиланган тартибда рухсатнома расмий-

лаштирмасдан фойдаланаётганлиги аниқланди. "Жисмоний ва юридик шахсларни "Радиочастота спектри тўғрисида" ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги "Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат

этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" ги 801-сон Қарорида белгиланган тартибда радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш ва (ёки) ўрна-тиш, хориждан олиб кириш,

эксплуатация қилишга рухсат этиш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя қилишлари шартлиги тўғрисида огоҳлантирамангиз", - дейди Ўзкомназорат инспекцияси Бухоро вилояти ҳудудий шуббаси етакчи мутахассиси Бехзод Латипов.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Jamol Nosirov
Gulnora Samiyeva
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557

9 772181 655003

**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Buxoro bosmaxonasi" MCHJda
1450 nusxada bosildi.

Bosmaxona manzili:
Buxoro shahri, I. Mo'minov ko'chasi, 27-uy
Tel: (0365)223-25-38

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qo'g'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10.00. Chop etish vaqti: 11.00
Bahosi kelishilgan narxda 14.05.2024 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.